

ЛОЙИХА-СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ШАРТНОМАСИ № 54

ФАРГОНА ШАХРИ

2022 ЙИЛ “16” июл

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Фаргонасувкурилишинвест» ДМ номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи директори Ш. Юлдашев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Фаргона Рахматжон Топограф» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор З.Рахматов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги конуни, Курилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёраш ишларни бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Риштон тумани Тўраобод МФЙдаги мавжуд 5 дона қудукларни реконструкция қилиш (унгъ боғлиқ 1,9 км зовурни тозалаш) объектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда; 2022 й. « » —кунги танлов хайъати йигилиши баёнига асосан олган ҳолда жорий нархларда **20 800 000** (Йигирма миллион саккиз юз минг) сўмни, (ККС билан).Шундан муаллифлик назорати ишлари **500 000** (беш юз минг) сўмни таш қиласди.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 1 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар **2022 йил “ ” ноябрда** буюртмачига тўлиқ топшириллади

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно: - курилиш қийматини кўпайтириш енгиг булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

- Ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиqlанган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чикади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкиданади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 16 мартағи 139-сонли карори 1-1-бандига асосан Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30** физи миқдорида аванс ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг, молия или тутамасдан обьект умумий шартномавий қиймати доирасида амалга оширилади.

5.3. Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.Ишларни бажариш

6.1.Пудратчи лойиҳа ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлади. Бош муҳандис лойиҳа-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилётган ишлар ҳакида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойиҳа-смета хужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда, асосли ҳамда сифатли қилиб Буюртмачига топширади.

7.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

7.1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

8.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

8.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

8.3. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.4. Жарималарни тўлаш томонларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

8.5. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, томонлар келишув далолатномасини тузадилар, унга кўра, Буюртмачи 10 кун тчида, далолатнома имзоланган вактдан бошлаб, Пудратчига какикий харажатларини тўлаш шарт, ёки агар Пудратчи томонидан ўтказилган сумма Шартнома бўйича хақикий қилинган харажатдан ошса, иккинчиси юкоридаги далолатномани тарафлар имзолаган кундан бошлаб 10 кун ичida фарқ суммасини қайтаришга мажбур бўлади.

9.Низоларни ҳал қилиш

9.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фағона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

10.Коррупцияга қарши қурашишга доир мажбурий шартлар

10.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига зид бўлган ҳар кандай ҳатти-харакатларни амалга ошириласлик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонулларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукукбузарликларни содир этганини ҳакида алоқа каналларига мурожаат килиши мумкин.

11.Шартномани бекор қилиш

11.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга кадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу карор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аникланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

11.2.Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмida ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шахарсозлик хужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

11.3.Пудрат чораларни бажаришга ўз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни

белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аник бўлиб колса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вактида шартномадан воз кечиши мумкин.

- 11.4.Шартномани бекор килишга карор килган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.
- 11.5.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди.

12.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

“Фарғонасувқурилишинвест” ДМ
Манзил: Фарғона ш. Ал-Фарғоний кўча №92 уй
Тел./факс: 73- 244-70-75
ШХР:
301821860304017049801170010

Ташкилотнинг СТИРИ: 201 152 382
ИФУТ: 69 000
Фарғона вилояти буйича Ғазначилик
бошқармаси
ЯГХ: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар
Бош бошқармаси Хисоб-китоб-касса маркази
(ХККМ) МФО: 00014 Ғазначилик
булинмасининг

СТИРИ: 20111022919

Директор:

Ш.Юлдашев



«Бажарувчи»

«Фарғона Раҳматжон Топограф»Х/К
Фарғона ш.Ал.Фарғоний к 74 уй
x/p 20208000304670773001

“Хамкор” банк Истиқбол филиали.
МФО 00965 ИНН: 300678571
ОКОНХ 66000
Тел: 90-409-69-99

Директор: 
3.Рахматов

